

Маълумдирки, хар нарса ўз ахли тарафиндан ёзилса яхши ёзиладур. Шукрлар ўлсунки, бизнинг орамизда хам сўнгги йилларда миллий тиётр ва рўмон китоблари ёзилуб босдириувлар кўрилмакга бошлади...

“Падаркуш” ёзилгондин кейин ёшларимизда катта бир рагбат хосил бўлуб хар шахарнинг сахналарида ўйнали.

Тошканд, Самарканд, Хўканд каби марказларда 2—3 маротаба хам ўйнали. Ишта булар миллатнинг интибоҳига хайрли бир фолдир. Аммо мунинг илагина суюниб ўзимизни юпатмайлук.

Хали бизга кўб тиётр ва рўмон китоблари ёзмок керакдурким, бу карз бир ховуч зиёли ёшларимиз ила ахли каламимиз устларига тушадир.

Мухтарам калам ахллари, миллий майшатни ёмон деб ёзмай, зохирда бўлса хам тўйларда, гапхоналарда, баччабозлар мажлисида, базмларда ва шунга ўхшаш миллатнинг энг танкид килатургон ўринларинда бирга аралашуб юрмаклари керакдурки, токи комил ўшал одатларни китоб сахифаларида чиройлирок килуб ёзгундай бўлсунлар. Миллий майшатдан безган билан безилуб, кўмилуб кетаберадир. Онда аралашиб юрулса, ондаги сўзларни, одатларни ўрганмокка бўладурки, китоб бетларига кўчириуб ёзмокка материёлларнинг энг асллари халк орасидан олунадир.

Оврупонинг катта-катта мухаррирлари ўшал ўзларининг яхши-ёмон одатлари орасида юрубдирлар. Сўнgra кўлларига калам олуб, яххисини яхши, ёмонини ёмон кўрсатуб ёзубдурлар.

Ишта мухтарам ёшларимиз машаккат бўлса хам халкимизнинг ичida ўралашуб юруб китоблар ёзувга материёллар тайёрласалар. Бу йўлдаги ихтиёжни бир кадар адо килгон бўлур эдилар.

Бизим бу арзимиз бир мухаррирларгагина эмас, мухтарам артистларимизга хам бордир.

Улар хам сахна керакларини халк орасида юруб ўрганмаклари лозимдир.

Ожизона бу фикримни хурматли ёшларимизга арз киламан.

“Садои Туркистон” газетаси, 1915 йил 6 феврал.